



## МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИДА ЎРТА ОСИЁДАГИ АНЪАНАВИЙ СУДЛАР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИ).

Опаев Б.А.

*Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти.*

Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олганидан сўнг ўзларининг мустамлакачилик сиёсатини юритиш учун маҳаллий аҳолини ўргана бошлади ва бошқарув тизимида реформалар ўтказилди. Мустамлакачилик даврида анъанавий суд тизимида ҳам реформалар ўтказилди. Бу реформалар салбий натижаларга олиб келди ва маҳаллий аҳолининг норозиликларига сабаб бўлди.

Ўрта Осиёда колониал даврга тегишли манбалар асосан рус олимларининг ўлканинг табиий ресурсларини ва унинг маҳаллий аҳолисини махсус топшириқлар билан ўрганиш мақсади да қилинган тадқиқотлар бўлиб, уларда қозилар суди фаолиятини мустамлакачилик қарашларида ёритган. Россия империяси мустамлака сиёсатини амалга ошириш учун маҳаллий аҳолининг суд-ҳуқуқ тизимини ҳам ўрганди. Шу даврдаги тадқиқотларни сиёсий-колониал мақсадларда олиб борилган характердаги изланишларнинг натижаси ҳисобланади.

Сирдарё вилояти Амударё бўлимининг Шўраҳон участкаси бошлиғи Орест Шкапскийнинг асарлари Амударё бўлимининг кулаklarининг ҳаёти ва уларнинг қозилар судидаги масалалари ҳақида муҳим маълумотлар беради. Муалифнинг «Аму-Дарьинские кулаки перед судом шариата и казиев»[14] асарида Хива хонлиги давридаги Шураҳонда қози судлари судхўрлик буйича хулосалари ҳақида ёзилиб, уларнинг қарз олиш, бериш қоидалари ҳақида ва шариатда судхурликнинг тақиқланганига қарамай ўзгача усулда судхурлик йулга қўйилганини ёзади. Шунингдек, хонлик давридаги ер эгаллиги ва у буйича қозилик ҳужжатлари асосида ўрганди. Урта Осиёда кўчманчи аҳоли аёл-қизларининг одат ва шариат олдида ҳуқуқий ҳолатини тасвирлайди.

Рус шарқшуноси, ҳарбий амалдор Н. С. Лыкошин Ўрта Осиёни Чор Россияси босиб олганидан кейин анъанавий суд тизимида киргизилган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар беради. Унинг «Полжизни в Туркестане: Очерки быта туземного населения»[10] асарида қозилик мансабига тайинланадиган инсон қандай бўлиши кераклиги ҳақида сўз этилади.

Рус шарқшуноси, Хива хонлигига юришида қатнашган А. Кун Хива хонлиги буйлаб қилган юриши давомида кўрганларини ёзиб қолдиради. Хива хонлиги қозилари шунингдек, қорақалпоқ ва қозоқ қозиларига маҳаллий аҳолининг мууроажат этиш учун қийинчиликларга дуч келиятганини такидлайди[8]. Шунингдек, у Хива хонлигига тегишли мўхрлар буйича биринчилардан бўлиб ёзади.



Россиялик ёзувчи, этнограф Н. А. Дингельштедт Чор Россиясининг бошқа жойларидаги халқларнинг Туркистонга нисбатан анча мураккаб ҳуқуқий ва суд шароитида яшаётганларини таъкидлайди[2]. У минтақада суд соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширилишини хато эканлигини ёзади.

Рус амалдори, Ўрта Осиё юришлари иштирокчиси, Туркистон тарихига оид қатор очерклар муаллифи Ю. Д. Южаков ислом динининг аҳолига таъсири бошқа ҳеч бир жойда шариат судларида бўлгани каби кўрсатилмаган, дея таъкидлайди[15]. У ўзининг асарларида шариат судининг Туркистон халқи орасида таъсири жуда катта эканлигини, рус маъмуриятининг аралашувида мусулмон судларида порахўрлик ва тухмат авж олганини айтади.

А. А. Кауфман, Ф. Гирс, С. М. Духовский, К. К. Пален каби амалдорларнинг мақола, кундаликлари, ҳисоботлари ва докладларида мавзу буйича бир қатар маълумотларни берилган. Жумладан, С.М.Духовский ўз доклади да Туркистаннинг маҳаллий аҳолисининг дини бўлган исломга эҳтиёткорлик ёндашишни таъкидлайди[4]. Шунингдек, 1908 - 1909 йилларда Туркистон ўлкасини текширган сенатор К. К. Пален ҳисоботида бошқа соҳалар қатори суд тизими буйича ҳам маълумотлар беради[11]. Граф Пален бошчилигида Туркистон суди қарорларини сенаторлик томонидан қайта кўриб чиқишда қатнашган С. Н. Трегубов ҳам Туркистон улкасидаги халқ суди буйича тадқиқот олиб борди[13].

Турғай вилоятининг катта маслаҳатчиси И. Крафт кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолининг тарихий суди ҳисобланган одат асосида судловчи бий судларини тадқиқ этди. Жумладан, у «Туркистон ўлкаси ва дашт вилоятларида суд бўлими» асарида одат ҳуқуқи шаклланиши ва ундаги жазолаш қоидаларини таҳлил қилиб, қунни ундириш тартиби ҳақида аниқ маълумотлар келтиради[7]. Чор Россияси томонидан босиб олингандан кейинги Туркистондаги суд реформалари натижасида юз берган ўзгаришларни баён қилади.

Л. А. Словохотов қозоқларнинг Кичик Жузидаги (Кичик Ўрда) одат ҳуқуқи асосида иш юритадиган халқ судлари (бий судлари) ни тадқиқ қилиб, Оренбург областида кучманчи ҳаёт кечирувчи қозоқларнинг суд тизимини юридик жиҳатдан ўрганган[12].

Рус тарихчиси, этнограф Турғай вилоятида 4 йил ветеринар булиб ишлаган А. И. Добросмыслов шу вилоятнинг туб аҳолиси қозоқларнинг XVIII - XIX асрлардаги суд тарихини ўрганади. Қозоқ хони Тавке ва унинг давридаги суд тарихини яритиб берди[3]. Лекин қозоқларнинг суд тизими ҳақида ёзган Словохотов, Крафт, Добросмыслов ва бошқа муаллифлар XIX аср бошида тадқиқот олиб борган А. Левшиннинг ёзганларини такрорлайди.

И. В. Аничков ҳам Туркистон ва даштдаги қозоқларнинг одат ҳуқуқи буйича тадқиқот олиб борди[1]. Унинг асарида маълумотлар ўзидан олдин қозоқларнинг суд тизимини ўрганган Крафтнинг келтирган маълумотларига мос келади.



Рус этнографии, юристи Г. Загряжскийнинг ҳам илмий қизиқишлари анъанавий козоқ суд ҳуқуқини ўз ичига олган[5]. У ўз тадқиқоти давомида Даштда кенг тарқалган бийлар суди заң (қонун) – анъанавий ҳуқуққа асосланиши ва шу билан шарият кучли таъсир кўрсатган одатга асосланган суддан фарқланишини таъкидлади.

Хива хонлиги қўл остида бўлган туркманлар Чор Россияси босиб олганидан кейин Каспийorti вилояти таркибида кўпчиликти ташкил этади. Туркманларнинг суд тизими буйича асарлар ёзган А. Ломакин, Қараш Хон ўғли одат ҳуқуқи, туркманларнинг катхуда судларини ўрганди[9].

Бу даврдаги тадқиқотлар Чор Россиясининг мустанлакачилик сиёсати билан боғлиқ бўлиб, марказдан юборилган махсус топшириқлар асосида олиб борилган эди. Колониал даврдаги илмий ишлар мустанлакачилик нуқтаи назардан ёзилган бўлиб, Туркистондаги анъанавий судларга ҳолисона баҳо берилмаган. Ҳозирда давлат архивларидаги Амударёнинг чап тарафида яъний Хива хонлигига қарашли бўлган ҳудудга тегишли қозилик ҳужжатларнинг кўпчилик қисми ўрганилган бўлса, Амударё бўлимидаги қозиларга тегишли ҳужжатлар ҳалигача ўрганилгани йук ва бу ҳозирда Қорақалпоғистон тарихининг далзарб мавзуларидан бири ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аничков И.В. Присяга киргиз перед русским судом. Журнал Министерства юстиции. СПб.1898. – С. 28.
2. Дингельштедт Н. Судебное преобразование в Туркестане., Журнал гражданского и уголовного права. Год 22-й.кн.7.СПБ,1892. – С.75.
3. Добросмыслов А.И. Суд у киргиз Тургайской области в XVIII и XIX веках. Казань, 1904. – С.107.
4. Духовский С.М. Ислам в Туркестане. Всеподданнейший доклад Туркестанского генерал-губернатора. Ташкент, 1899. – С.20.
5. Загряжский Г. О народном суде у кочевого населения Туркестанского края по обычному праву. Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. Вып. IV. Ташкент, 1876.
6. Караш Хан Оглы (Иомуд-Хан) Местный суд в Закаспийской области (Народный суд). Историко-критический очерк. Ташкент, 1922. – С.59
7. Крафт И.И. Судебная часть в Туркестанском крае и степных областях. Оренбург, 1898. – С.214.
8. Кун А. От Хивы до Газавата: Культура оазиса Аму-дарьи. От Кунграда до Чимбая. Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. IV. СПб, 1876. – С. 203-259.
9. Ломакин А. Обычно права туркмен (адат). Асхабад, 1897. – С.146.
10. Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркестане: Очерки быта туземного населения. [Вып.1] – Петград: Т-во «В.А. Березовский», 1916. – С. 414



11. Отчёт по ревизии Туркестанского края, произведённой по Высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К. Паленом. Народные суды Туркестанского края. СПб, 1909. – С.267.

12. Словохотов Л.А. Народный суд обычного права киргиз Малой Орды. Оренбург, 1905. – С.158.

13. Трегубов С.Н. Прокурорский надзор в народном суде Туркестанского края. Журнал Министерства юстиции. 1903, №7, 8, 10.

14. Шкапский О.А. Аму-Дарьинские кулаки перед судом шариата и казиев. Русская мысль. 1898, № 7, 8. – С.46-66. 123-136.

15. Южаков Ю.Д. Итоги двадцатисемилетнего управления нашего Туркестанским краем. СПб., 1891. – С.84.